



МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ ТУҲФА

Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида 25 август куни мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ҳудудларда янги объектларни ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда давлатимиз раҳбари ҳудудлардаги студияларга йиғилган кенг жамоатчилик вакиллари, улар орқали бутун халқимизни яқинлашиб келаётган улуг байрам билан табриклади.

Ортда қолган ўн йилда Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар юз берди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, иқтисодиётни диверсификация қилиш, рақобатбардош саноат тармоқларини яратиш, чекка туман ва қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича улкан ишлар бажарилди. Таълим, тиббиёт ва маданият соҳаларига эътибор янги босқичга кўтарилди.

— Сўнгги ўн йил мамлакатимиз тарихида янги Ўйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш босқичи сифатида абадий муҳрланди, — деди Президентимиз.

Бу даврда иқтисодиётимиз ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошди. Иқтисодиёт тармоқларига 160 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, умумий қиймати 76 миллиард долларлик 2 минг 163 та йирик саноат лойиҳаси ишга туширилди, қарийб

6 миллион нафар аҳоли доимий иш ўрни билан таъминланди.

Бугун юртимизда дунёнинг етакчи компаниялари, йирик инвесторлари ва халқаро молия институтлари иштирокида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Инвестициялар кўпайиши билан саноатимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгармоқда.

— Биз ҳомашё экспорт қилган давлатдан уни чуқур қайта ишлаш занжири асосида тайёр маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқаётган иқтисодиётга ўтгандимиз. Энг муҳими, янги корхоналар билан бирга замонавий технологиялар, янги касблар ва юқори малакали иш ўринлари ҳам пайдо бўлмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Жорий йилнинг ўзига 1,7 миллиард долларлик 56 та йирик замонавий саноат ва сервис объекти иш бошлади, 8,8 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилди.

Шунингдек, бюджетдан ажратилган 46 триллион сўм ҳисобидан 385 та мактаб, 113 та боғча, 81 та шифохона, 7,5 минг километр йўл, 3,2 минг километр ичимлик суви ва канализация тармоқлари қурилди, таъмирланди ва реконструкция қилинди.

Бугунги маросимда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида умумий қиймати қарийб 50 триллион сўм бўлган 72 та йирик саноат ва сервис лойиҳаси ҳамда 91 та ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди. Уларнинг очилиши Мустақиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди.

Янги лойиҳалар ҳисобига 15 мингта иш ўрни яратилди, бюджетга йилига қўшимча 1 триллион сўм тушум тушуши таъминланади.

Инвестиция лойиҳалари энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати, металлургия, автомобилсозлик, электротехника, қурилиш материаллари, тоғ-қон, тўқимачилик ва енгил саноат каби муҳим йўналишларни қамраб олган.

Жумладан, Сирдарё вилоятида 1 минг 573 мегаваттлик электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати, Қорақалпоғистон Республикасида 200 мегаваттлик шамол электр станцияси ва 100 мегаваттлик энергия сақлаш тизими ишга туширилди. Навоий вилоятида янги энергетика лойиҳалари йилига 657 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқаради.

Мазкур лойиҳалар орасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини сезиларли оширадиган қувватлар ҳам бор. Андижон, Наманган ва Жиззах вилоятларида ишга туширилган тўқимачилик, трикотаж ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари миллионлаб долларлик экспортни таъминлайди. Самарқанд ва Тошкент вилоятларида барпо этилган янги металлургия корхоналари ҳам саноат кооперациясини кенгайтириш ва импорт ўрнини босишга хизмат қилади.

Президентимиз бугунги лойиҳаларни фақат инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари билан ўлчаш тўғри бўлмаслигини таъкидлади. Янги ўқув йили арафасида ижтимоий соҳада ҳам кўплаб замонавий объектлар фойдаланишга топширилмоқда. Улар орасида 36 та болалар боғчаси, 43 та мактаб, 7 та олий таълим муассасаси ва 3 та шифохона бор.

Янги Тошкент ҳудудида жаҳон стандартлари асосида 10 гектар майдонда барпо этилган Янги Ўзбекистон университетининг замонавий мажмуаси шулар жумласидандир. Бу ерда 7 минг нафар талаба тахсил олиши учун шароит яратилган.

Олий таълим муассасасида Гарвард университети билан ҳамкорликда Ректорлар мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Оксфорд университети билан биргаликда давлат хизматчиларининг малакасини ошириш бўйича “Таълим хаби” ташкил этилади. 1 октябрдан Сунъий интеллект институтини иш бошлайди.

Шунингдек, 30 минг квадрат метр майдонга эга беш қаватли янги Миллий кутубхона энг замонавий техникалар билан жиҳозланган. У бир вақтнинг ўзига 1,5 минг нафар китобхонга хизмат кўрсата олади. Бу ерда 28 дан зиёд ўқув хонаси ва заллар, турли снгимдаги конференция заллари ташкил этилган, 200 мингдан ортиқ китоб жамланган.

Қарши шаҳрида 400 миллиард сўмлик Иқтисодиёт ва педагогика университетининг замонавий бино ва иншоотлари барпо этилди. Бу ерда 3 минг нафар талаба тахсил олади, 700 нафар аҳоли даромадли иш билан таъминланади.

Фаргона вилоятидаги янги замонавий тиббиёт муассасасида эса йилига 60 минг нафар беморни даволаш ва 30 минг нафар

аёлни скринингдан ўтказиш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбари янги объектларни барпо этишда иштирок этган инвестор ва тадбиркорлар меҳнатини юксак баҳолади.

— Сиз киритаётган ҳар бир инвестиция Ўзбекистон келажакнинг пойдеворини мустаҳкамлайди. Сиз яратаётган ҳар бир иш ўрни оилалар фаровонлигига хизмат қилади. Сиз ишлаб чиқараётган ҳар бир маҳсулот мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янги босқичга олиб чиқади. Сиз экспорт қилаётган ҳар бир товар Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширади, — деди Президентимиз.

Ушбу лойиҳаларни барпо этишда фидойилик кўрсатган қурувчилар, муҳандис ва лойиҳачилар, тадбиркор ва инвесторларга миннатдорлик билдирилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босди ва 72 та йирик инвестиция лойиҳаси ҳамда 91 та ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг конгрессменлар Жейсон Смит, Грег Мерфи, Ронни Жексон ва Эдвард Кейсдан иборат делегациясини қабул қилди.

Учрашув аввалида америкалик қонун чиқарувчилар Ўзбекистон Президенти ва халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги билан самимий қўлга қўйди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама муносабатларда ижобий суръат кузатилаётгани, сиёсий мулоқот юқори даражада экани, алоқалар ва ўзаро таширлар фаоллашгани мамнуни билан қайд этилди. Икки мамлакат етакчилари яқинда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот чоғида стратегик шериклиқни янада

кенгайтиришнинг устувор йўналишларини белгиллаб олдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 20 фоизга ошди. Энергетика, муҳим минераллар, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, рақамли технологиялар ва саноат соҳаларида йирик лойиҳаларни бошлаш ва амалга оширишни назарда тутувчи уч йиллик Иқтисодий ҳамкорлик дастури изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлашда, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни

илгари суришда АҚШ Конгрессининг муҳим ўрни қайд этилди.

Ҳудудлараро ҳамкорлиқни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. АҚШ делегацияси аъзолари вакиллик қилаётган Миссури, Шимолий Каролина, Техас ва Гавайи штатлари билан тўғридан тўғри алоқаларни янада ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлик билдирилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида ишбилармонлик миссияларининг ўзаро таширларини ташкил этишга келишиб олинди.

ЎЗА

АБАДИЙ ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНГАН МИНГ ЙИЛЛИК ҚАРДОШЛИК

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат таширини катта қизиқиш, тарихий бирдамлик қуввати билан кузатиб бордик.

Аввал Тошкентдаги учрашувлар, эртаси куни Бухоро сафаридаги самимий муносабатлар ўзаро дўстлик ришталарининг расмий талқинларга сиғмас рамзларини акс этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нуктадон сиёсати натижасида янги Ўзбекистон дунёга очилди, дунё ҳам бизга юзланди. Озарбайжон етакчисининг кечаги таширини

мана шу қўтлуг ҳодисани яна бир бор намойён этди.

Бу ҳақда тўхталишдан олдин Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги сиёсий имижини борасидаги кузатувларимиздан бирини айтсак. Одатда Президентлар хорижда таширларини чоғида расмий мулозаматда бўлишади. Аммо Ўзбекистонга келган дунё етакчилари бизнинг Президентимиз билан

мулоқотда ўз самимиятларини яширмайди. Давлатимиз раҳбарининг очик, ўзаро бағрикенглик сиёсати ҳар қандай расмийлик муносабатларидан устун келади.

Президент Илҳом Алиев ҳам кечаги таширини чоғида Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ҳақида гапирар экан, Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат раҳбарлигига келган давр билан бугунги Ўзбекистон ўртасидаги фарққа алоҳида ургу берди. Ўз самимиятини яширмади.

► Давоми 2-бетда

ИНСОН КАПИТАЛИ, ИЛМ-ФАН, ЁШЛАР САЛОҲИЯТИ ВА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ



1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Айнан миллий истиқлол юртимизга жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш ҳамда ҳаётнинг турли соҳаларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратди.

Шу нуктадан назардан, Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги нафақат тарихий санини нишонлаш, балки ўтган даврда мамлакатимизнинг инсон капитали, илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавий тараққиётида қандай ўзгаришлар юз берганини сарҳисоб қилиш учун ҳам муҳим босқичдир. Бу жараёни шартли равишда икки йирик босқичга ажратиш мумкин. Дастлабки давр мустақил давлатчилик, миллий институтлар ва тараққиётнинг

ҳуқуқий-институционал асосларини шакллантириш даври бўлган бўлса, иккинчи давр мазкур салоҳиятни кенгайтириш, модернизация қилиш, қамровни ошириш ва унинг натижадорлигини кучайтиришга қаратилган янги босқич сифатида намойён бўлди.

Айниқса, сўнгги ўн йилликда давлатимиз раҳбари бошчилигида инсон капитали, таълим, илм-фан, маданият, спорт ва ёшлар сиёсатида узоқ муддатли тараққиётимизни таъминловчи тизимнинг ўзаро боғлиқ таркибий қисмлари сифатида қаралаётган.

2016 йил мамлакатимиз тарихида янги тараққиёт босқичига йўл очган муҳим давр сифатида алоҳида ўрин тутди. Зеро, айнан шу йилда Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётда муҳим ўзгаришлар рўй берди, давлат ва жамият тараққиётини янги ёндашувлар асосида давом эттириш учун муҳим замин

яратилди. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил 7 февралда имзоланган Ҳаракатлар стратегияси мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида кенг қўламли ислохотларга янги суръат бағишлади. Мазкур ҳужжат билан ижтимоий соҳа устувор йўналишлардан бирига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳалардаги фаолиятга шахсий ёндашуви моҳиятини қуйидаги тезис билан ифодалаш мумкин: “Битта қизни ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Оила билимли, маърифатли бўлса, бутун жамият билимли, маърифатли бўлади”. Бу гоё нафақат хотин-қизлар таълими, балки инсон капиталига давлат сиёсатининг марказий йўналиши сифатида қаралишининг рамзига айланди.

► Давоми 3-бетда

АБАДИЙ ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНГАН МИНГ ЙИЛЛИК ҚАРДОШЛИК

Сергей ЛЕБЕДЕВ: “ЎЗБЕКИСТОН МДХ РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИГА АЙЛАНДИ”

Бошланиши 1-бетда

“Шавкат Миромонович Ўзбекистонга раҳбарлик қилишни бошлаганида вазият мутлақо бошқача эди. Мамлакатни ривожланиш йўлига олиб чиқиш, иқтисодий пойдеворни шакллантириш, sanoat ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, инвестициялар жалб қилиш учун у жуда катта саъй-ҳаракатларни амалга оширишига тўғри келди.

Бугун биз мутлақо бошқа Ўзбекистонни — халқаро ҳамжамиятнинг жуда ҳурматли аъзоси бўлган, sanoat, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантираётган Ўзбекистонни кўриб турибмиз”, деди Илҳом Алиев.

Мана шу олий эътирофнинг ўзиёқ Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кейинги йилларда халқимиз ниҳоятда улкан юксалиш марраларини забт этганини аңглатади.

Энди Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг 23-24 август кунлари бўлиб ўтган учрашувлари ва эришилган келишувлар тафсилотларига тўхталсак.



Шубҳасиз, Озарбайжон етакчисининг мамлакатимизга давлат таширифининг энг муҳим воқелиги, бу — Абдий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг имзолангани бўлди.

Ўзбекларда ҳам, озарбайжонларда ҳам “Дўстлик” тушунчаси ота-боболаримиздан мерос келаётган муқаддас тутумлар қадрияти билан ўлчанади. Тўн кийин, non тишлаб дўст бўлган ўғлонлар Ватани, халқи, oilаси, яқинлари ор-номуси, саодати учун бирга курашади, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлади, садоқат ҳисси қон-қонига сингиб кетади.

Давлатлар ўртасидаги Абдий дўстлик аҳди ҳам шунга монанд. Қисқача айтганда, бу келишувни имзолаган давлатлар эндиликда муштарак келажакни барпо этишга биргаликда интилиш мақсадини аңглатади.

Демак, Ўзбекистон ва Озарбайжон энди нафақат ишончли иттифоқчи, стратегик шериклар, балки абдий дўст давлатлардир.

Ташрифининг навбатдаги таъсири воқелиги. Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевга Ўзбекистон

Бугунги илиқ муносабатлар даврида улғайган, “Озарбайжон” боғидан нафас олган ўзбек ёшлари ҳамда “Ўзбекистон” боғини сайр этган озарбайжон ёшлари бир тану бир жон бўлиб, бундан ҳам катта ислохотларни амалга ошириши, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириб, икки мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

икки мамлакат ўртасида бирорта ҳам қўшма лойиҳа бўлмаган. Бугун эса 1 миллиард долларлик товар айирбошлаш ҳажми энди орзу эмас, яқин йилларда эришиладиган реал мақсадга айланган.

Узоқ вақт уруш ўчоғи бўлиб келган Қорабоғ ҳудудида 2020 йили қайта тиклаш ишлари бошланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу эзгу ҳаракатга Ўзбекистон ҳам ҳисса қўшди. Хусусан, мамлакатимизнинг моддий-маънавий кўмағи билан 2023 йил августда Фузулий шаҳрида 600 га яқин ўқувчи ўрнига мўлжалланган Мирзо Улуғбек номидаги мактаб очилди.

Президент Илҳом Алиев интер-выоларининг бирида Фузулий шаҳрида Ўзбекистон кўмағи билан бунёд этилган Мирзо Улуғбек номидаги мактаб учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди. Шунингдек, Илҳом Алиев ўшанда муҳим бир фактни — Ўзбекистон Қорабоғни тиклашда ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиққан биринчи мамлакат эканини қайд этганди.

Озарбайжон Президентининг Ўзбекистонга таширифи доирасида Янги Тошкентда Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг янги кампуси тантанали очилди. Бу ерда 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари ҳамда 5000 ўринли талабалар турар жойларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг Озарбайжонга ўтган илги таширифида Боку шаҳрининг “Оқ шаҳар” мавзесида “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйилган эди. Бу галги ташириф доирасида эса Янги Тошкентда “Озарбайжон” боғини барпо этиш ишларига старт берилди.

Бог учун Янги Тошкентда 4 гектар майдон ажратилган. Бу ерда Озарбайжоннинг бой маданияти, кўп асрлик тарихи ва миллий анъаналарини акс эттирадиган замонавий жамоат макони ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бундай лойиҳалар нафақат давлатлар, балки халқларимизнинг ҳам бир-бирига муносабати ва ҳурматини оширади, аҳиллигини мустаҳкамлайди.

ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ АБАДИЙ ДЎСТЛИК АҲДИ ҲАМ ШУНГА МОНАНД. ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА, БУ КЕЛИШУВНИ ИМЗОЛАГАН ДАВЛАТЛАР ЭНДИЛИКДА МУШТАРАК КЕЛАЖАКНИ БАРПО ЭТИШГА БИРГАЛИКДА ИНТИЛИШ МАҚСАДИНИ АНГЛАТАДИ.

Давлат раҳбарлари ҳузурида, шунингдек, инвестиция, савдо, адлия, маданият, туризм, пенсия каби қатор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш, шаҳарларимиз ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатишга доир ўнга яқин ҳужжат имзолангани эса алоҳида катта мавзу.

Бу борадаги тасаввурларни уйғотиш учун битта мисол келтириш етарли бўлади, назаримизда. Озарбайжон Президенти эътироф этганидек, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбарлигига келтунига қадар

Бугунги илиқ муносабатлар даврида улғайган, “Озарбайжон” боғидан нафас олган ўзбек ёшлари ҳамда “Ўзбекистон” боғини сайр этган озарбайжон ёшлари бир тану бир жон бўлиб, бундан ҳам катта ислохотларни амалга ошириши, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириб, икки мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОВО,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ ЧОРЛАЙДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик тўйи арафасида давлатимиз раҳбарининг фармони билан “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвонига лойиқ кўрилганим қалбимни таърифсиз ҳаяжон, чексиз фахр ва улкан масъулиятга тўлдирди.

Бу юксак эътироф нафақат mening камтарона меҳнатларимга, балки ўзбек миллий мақомига, мумтоз ашулчилик санъати ва замонавий эстрада йўналишига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлиқнинг амалий намунасидир.

Санъат оламидаги илк қадамларимдан буён мени қўллаб-қувватлаб, ҳар бир таронамга илҳом бериб келётган азиз халқимизнинг ишончи ушбу мукофотнинг бош пойдевори, десам адашмайман.

Аслида, ижодкор учун энг катта бахт куй-қўшиқлари билан эл юрагидан жой олиш, меҳнатининг муносиб қадрланишини кўриш ва қалбан ҳис қилишдир. Истиқлол шуқуҳи кезиб турган шу файзли кунларда мен ана шундай ардоқдаман ва бундан бошим кўкка етмоқда.

Сўнгги йилларда маданият ва санъат соҳасидаги тарихий ислохотлар, ижод аҳлига яратилган кенг имкониятлар барчамизни янгидан-янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Мен учун “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” унвони ижодий




Дилдаги гаплар

фаолиятимдаги янги, залварли ва шиддатли бир даврнинг бошланиши бўлди. Бу ишонч елкамдаги масъулиятни икки ҳисса ошириб, ўзбек санъатини жаҳон сахналарида янада баланд тараннум этишга ундайди.

Машаққатли санъат сирларини сидқидилдан ўргатган устозларимга, ҳаётимнинг ҳар бир лаҳзасида тиргак бўлган oilла аъзоларимга ва қўшиқларимни яхши кўрган мухлисларимга таъзим қиламан.

Она Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикни, меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимизнинг азалий қўшиқларини, инсонлар ўртасидаги дўстлик, севи ва муҳаббат розларини қуйлашдан асло толмайман.

Билдирилган ушбу юксак ишонч-ни оқлаш, жонажон Ўзбекистонимиз доврuginи тўзал ва тақрорланмас санъат




воситасида дунё сахналарига ёйиш учун бор исъёдодим, куч-гайратим, маҳоратим ва соҳир овозим билан ҳаракат қиламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, “Янги Ўзбекистон” газетаси саҳифалари орқали ҳурматли Президентимизга санъат аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун ўз номимдан ва ҳамкасбларимиз номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

Юксак ишончни оқлаш, жонажон Ўзбекистонимиз доврuginи қўшқларим билан кўкларга кўтариш учун ҳаётимни, қалбимни ва соҳир овозимни баҳшида этишга ҳамиша тайёрман!

Юлдуз ТУРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти



ўтказилди. Унда Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудий ҳокимият идоралари ва бизнес ҳамжамиятлари вакиллари иштирок этди.

— МДХга аъзо давлатлар миллий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга қаратилган ташқи сиёсат юритади. Бу борада Ўзбекистоннинг позицияси қандай ва мамлакатда амалга оширилаётган ишлар МДХ фаолиятига қанчалик таъсир кўрсатмоқда?

— МДХ иштирокчи давлатлари ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон етакчи ўрнини эгаллайди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган ўндан ортқ махсус резолюция қабул қилинди. Шундай ҳужжатлардан бири 2026 йилда қабул қилинган “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш” номли резолюция бўлди. Бундай қарорларни қабул қилишда МДХ давлатларининг кўмағи муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистонинг халқаро нуфузини оширмоқда. Шу боис, мамлакатнинг халқаро майдондаги овози тобора кучлироқ эшитилмоқда.

Юрт тараққиёти ва фаровонлиги йўлида республика раҳбарияти минтақавий ташкилотлар ва интеграция бирлашмаларининг кенг имкониятларидан самарали фойдаланишга интилмоқда. Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомига эга, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаол аъзоси ҳисобланади ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан турли шаклларда ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

— Ўзбекистонда очилик сиёсати амалга оширилмоқда. Бу хорижий ҳамкорлар билан шериклик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Айтинг-чи, республика томонидан бу йўналишда амалга оширилган қайси ишлар МДХ фаолиятида эътиборга тушмоқда?

— Ўзбекистонда МДХнинг умумий мақсадлари тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини кўриш қувонарли. Яъни мамлакатлар



ўртасида ишонччи мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмаса, ҳеч қандай иқтисодий ёки сиёсий фаолият ривожланмайд.

2024 йилда Самарқанд шаҳрида “Ҳамдўстлиқнинг маданий пойтахтлари” давлатлараро дастурининг амалга оширилиши МДХ ҳаётидаги ёрқин воқеалардан бири бўлди. Ушбу йирик тадбирда Ҳамдўстлик давлатларининг ижодий жамоалари ва санъаткорлари иштирок этди. Кейинчалик МДХ давлатлари маданияти, санъати ва киноси ҳафталиги, адабий-маърифий учрашувлар ва тақдимотлар, Ҳамдўстлик давлатлари кутубхоначилари конференцияси ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда бўлиб ўтган “МДХ Ёшлар пойтахти” халқаро лойиҳаси кўпчиликда катта таассурот қолдирди. 2024 йилда Тошкент шаҳрининг МДХ Ёшлар пойтахти сифатидаги мақоми Ҳамдўстлик мамлакатлари ёшларига сифатли таълим олиш, ҳордиқ чиқариш, спорт билан шуғулланиш, ижодий фаолликни намоеън этиш, меҳнат қилиш ва фойдали машғулотлар билан банд бўлиш учун кенг имкониятлар яратди.

— Бугунги глобал беқарорлик ва низолар хавфи ортиб бораётган шароитда халқаро хавфсизликка таҳдидлар тобора реал тус олмақда. Ўзбекистоннинг МДХга аъзо мамлакатлар



2016 йилга келиб, мустақилликнинг дастлабки 25 йили давомида барпо этилган

Айни жараён ёшларнинг парламент фаолиятидаги иштироки факат миллий доира билан чекланмай, халқаро ҳамкорлик йўналишида ҳам ривожланаётганини кўрсатмоқда. Ёшлар парламентининг қўшни давлатлар ёш парламентариيالри билан ҳамкорлигини йўлга қўётгани келгусида парламентлараро мулоқот, минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро ишонччи мустаҳкамлашга хизмат қилувчи инсон капитали шаклланиши учун муҳим замин яратди.

**Одиджон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Фан, таълим,
маданият, спорт ва ёшлар
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари**

Мақтаб таълимида ҳам миқдорий ва сифат ўзгаришлари бир вақтда кечди. Миллий статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2025/2026 ўқув йили бошида фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони 11 минг 187 тани ташкил этган. Айни кўрсаткич 2016 йилдаги 9692 тадан 1426 та кўп. Мавжуд таълим муассасалари кенгайтирилди ва натижада 1 миллионга яқин янги ўқувчи ўрни очилди. 2025/2026 ўқув йили

Бу жуда муҳим нуқта. Чунки ислохотларнинг янги босқичида мезон “илмий даражага эга кадрлар сони” билан чекланмайди. Энди илмий натижанинг иқтисодиёт, технология ва ишлар чиқаришга таъсири асосий масалага айланмоқда.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларининг умумий натижаси эса 39 та медални ташкил

A collage of four images representing different fields of study: a boy using VR, a man reading a book, a woman in a lab coat using a microscope, and a woman in a chef's hat. The background features a city skyline and a mosque dome.

Маданият ушбу тизимда инсоннинг маънавий ва ижодий салоҳиятини шакллантирувчи омил сифатида намоён бўлса, спорт жисмоний салоҳият, интизом ва рақобатбардошликни ривожлантириш воситасига айланади. Ёшлар сиёсати эса таълим, касб, тадбиркорлик, маданият, спорт ва фуқаролик

Ёшлар парламентининг қонуни ижодкорлиги жароғини жалб этилиши эса ёшларни давлат бошқаруви ва парламент фаолиятига тайёрлашнинг амалий механизмларидан бирига айланмоқда. Хусусан, 150 ёш вакилининг депутатларга бириктирилиши, улар томонидан тайёрланган 400 дан зиёд таклиф, жумладан, таълим, бандлик, оила муносабатлари ва вояга етмаганларга нисбатан жиноий

Демак, Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик тарихи миллий тараққиёт салоҳиятининг босқичма-босқич шаклланиши ва янги сифат касб этиш жараёнидир. 1991 йил миллий давлатчилик ва мустақил тараққиёт учун тарихий имконият эшигини очган бўлса, охирги ўн йил ўшбў имкониятларини кенг қўллади ислохотлар, инсон капиталига инвестициялар ва янги институционал механизмлар орқали ривожлантиришнинг муҳим босқичига айlandи. Энди эса асосий меъсон инсон фаровонлиги, мамлакатимизнинг илмий-технологик салоҳияти, жамиятнинг ижодий ва интеллектуал имкониятлари ҳамда юртимизнинг глобал рақобатбардошлигига қанчалик барқарор таъсир кўрсатаётганидир.

ИМКОНиятлар эволюцияси ёхуд ислохотлар аёллар ҳаётини қандай ўзгартирди?



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Таълим соҳасидаги ютуқ: молиявий тўсиқларни бартараф этиш

Сифатли олий таълим олиш имконияти қизлар учун асосий “ижтимоий лифт”га айланди. Бу борада давлатимиз таълимни узоқ муддатли субсидиялашнинг мисли қўрилмаган механизмларини жорий этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2022 йил 18 июлдаги “Олий ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан жорий этилган фойизсиз таълим кредитлари ҳақиқий имкониятлар эшиги бўлди.

Унга қўра, олий таълим муассасалари, техникумлар ва коллежларнинг (давлатга тегишли, хусусий ва хорижий филиалларни қамраб олган ҳолда) мутлақ барча талаба қизларга ноль фоиз ставкада узоқ муддатли кредитлар олиш ҳуқуқи берилди. Бунда тижорат банкларининг фойиз ставкасини Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси қоплайди. Кредитнинг ўзини эса битирувчи фақат ўқинчи расман тугатгандан кейин ярим йил ўтгач қайтарга бошлайди.

Аслида, бу минглаб қизларимизни янги турмуш даражасига олиб чиққан мисли қўрилмаган имконият бўлди. Чунки илгари олий ўқув юртида контракт пулини тўлаш, айниқса, бир неча фарзандини ўқитаётган оилалар бюджетига оғир юк бўлиб тушарди. Оддий тижорат кредити юқори фойизлар туфайли асоратга айланарди. Ноль ставка қизга таълим олиш, унинг оиласига эса қарзлардан сакланши имконини беради. Қолаверса, ушбу механизм иқтисодий мустақиллигини тарбиялайди. Қиз кредитни ўзи расмий-лаштиради, уни қайтаришни эса (фақат қарзининг асосий қисми, фойизсиз) ўқинчи тугатгандан кейин 6 ой ўтгач бошлайди. Бу вақтда у иш топишга улгуради. Менталитетда муҳим ақлий ўзгариш юз беради: қиз

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг хотин-қизларга оид давлат сиёсати тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз ижтимоий ҳимоя форматидан тенг ҳуқуқлар, иқтисодий эркинликлар ва таълим имтиёзлари тизимини кенг миқёсда ривожлантиришга ўтди. Ушбу ўзгаришлар глобал рейтингларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Жаҳон банки ўзининг “Аёллар, бизнес ва қонун” ҳисоботида Ўзбекистонни гендер ислохотлари амалга ошириш суруъти бўйича энг яхши 5 мамлакат қаторига расман киритди.

ота-онаси ёки эрига қарам бўлмай, ўз кела-жагига ўзи сармоя қиритади.

Бундан ташқари, кўпинча қизлар имтихонларни муваффақиятли топишиб, шартнома асосида ўқишга кирган, аммо оилادا қутилмаган молиявий қийинчиликлар (ота-онасининг ишдан кетиши, касаллик ва бошқалар) туфайли 2-3-курсда ўқинчи ташлашга мажбур бўлган. Шу маънода, фойизсиз кредит “хавфсизлик ёстиғи”га айланди. Бу эса талаба қизнинг ўқини охирига етказиши ва диплом олишини кафолатлайди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 августдаги “Давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига қўра, давлат барча хотин-қизлар учун давлат олий ўқув юртлири магистратурасида тўлов-контракт асосида ўқиш харажатини юз фойиз қоплаб бериш мажбуриятини олди. Маблағлар бюджетдан қайтариб берилмайдиган асосда, кейинчалик мажбурий ишлаб бериш талаб этилмасдан ажратилади.

Олий таълимни ривожлантиришда ҳудудий жиҳатдан мутаносиблигини таъминлаш — ислохотлар диққат марказида бўлган муҳим масала. Боиси, чекка туман ва қишлоқларда кам таъминланган оилалар бюджетни чеклангани сабабли анъанавий равишда ўғил фарзандларининг таълимига катта эътибор қаратилиб, қизлар барибир бошқа оиллага кетади деб ўқитилмаган. Президентимизнинг 2020 йил 12 июндаги қарори билан белгиланган квота бундай оилаларнинг қизларига бепул касб-ҳунар эгаллаш имкониятини беради.

Битта қизнинг олий маълумотли бўлгани унинг келажақдаги оиласини муҳтожлар тоифасидан бутунлай олиб чиқиши мумкин. Олий таълимдаги 4 фойизли ҳудудий

“**БИТТА ҚИЗНИНГ ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛГАНИ УНИНГ КЕЛАЖАҚДАГИ ОИЛАСИНИ МУҲТОЖЛАР ТОИФАСИДАН БУТУНЛАЙ ОЛИБ ЧИҚИШИ МУМКИН.**”

мақсадли квоталар шу жиҳатдан таълим ислохотларида стратегик аҳамият касб этди: энди эҳтиёжманд оилалар ва маҳалла рўйхатидаги қизлар учун ҳар йили давлат олий ўқув юртлирида қўшимча грант ўринлари ажратилмоқда. Ушбу квота ҳажми режалари равишда ошиб борди ва ҳар йили 4000 ўринни ташкил этди. Умуман, бу чора маҳалладаги менталитетни ўзгартиради. Оддий, но-чор оиладан чиққан қизнинг давлат кўмаги билан нуфузли олийгоҳга ўқишга кириб,

яхши ўқиб, малакали мутахассис бўлиб, даромад билан қайтганини кўрган қўшнилари қизларининг ўқишга муносабатини ўзгартиради. Бу таълимни оммалаштиришнинг занжирли реакциясини ишга туширади.

Меҳнат стаж туфайли имтиёзли ўқинишга кириш — хотин-қизларнинг олий таълим олиши учун яна бир имконият. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги қарори билан ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълими ва мутахассислиги бўйича қамда 5 йил расмий меҳнат стажига эга хотин-қизлар Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси тавсиясига қўра ажратилган квота (500 ўрин) доирасида алоҳида танлов асосида



Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш

Кейинги ўн йилликдаги иқтисодий ислохотлар аёлни пасив нафақа олувчидан бозор иқтисодиётининг фаол субъектига айлантиришга қаратилди. Бунда кичик бизнесни институционал қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунга Президентимизнинг 2024 йил 7 мартдаги қарори билан жорий этилган “Hamro” дастури ёрқин мисол бўла олади. Унга қўра, аёллар стартапларини молиялаштириш учун тўлиқ инфратузилма ишга туширилди. Хотин-қизлар томонидан бошқариладиган (ёки уларнинг устав капиталидаги улуши 50 фойиздан ортиқ бўлган) тадбиркорлик субъектлари тоза кредит тарихига эга бўлган тақдирда, 100 миллион сўмгача гаровсиз қарз олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Тадбиркорлиқни ривожлантириш жамғармаси томонидан бундай лойиҳалар учун кредит суммасининг 70 фойизгача давлат каффиллиги тақдим этилади.



Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги тегишли қарори ҳам ислохотлар йўлидаги навбатдаги қадам бўлди. Унга қўра, ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш ва “Даромадли аёл” дастури қасаначилик, ҳунармандчилик, тўқимачилик ва томорқа ҳўжалигида банд бўлган юз минглаб аёлнинг даромадини қонунийлаштириш ва рағбатлантириш имконини беради. Давлат ўзини ўзи банд қилган аёллар учун ускуналар сотиб олишга субсидиялар ажратиб, солиқ имтиёзларини тақдим этмоқда. Бу жуда муҳим. Чунки субсидия ва имтиёзлар аёлларни ўз микрофирмасини расман рўйхатдан ўтказишга ундайди. Бу уларга ҳуқуқий ҳимоя, давлат буюртмалари ва қонуний меҳнат стажига эга бўлиш ҳуқуқини беради.

Аёллар иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасидаги бу каби ислохотлар давлатга ҳам фойда келтиради. Хусусан, хотин-қизлар бизнеси юқори ижтимоий масъулиятга эга. Аёл киши тикувчилик цехи, қандалот дўкони, хусусий боғча ёки АТ студияси очар экан, биринчи навбатда, ўз маҳалласидаги бошқа аёлларни ишга олади.

Қолаверса, бу жиҳат иқтисодиётни диверсификация қилишга йўл очади: тадбиркор аёллар кўпинча хизмат кўрсатиш, ижтимоий тадбиркорлик, мактабгача таълим, тиббиёт ва ҳунармандчилик соҳаларида бўш иш ўринларини тўлдирмоқда. Бу ички бозорни янада мослашувчан ва инқирозларга чидамли қилади.

Шунингдек, солиқ тушумлари ошади: ўзини ўзи банд қилган қасаначиларнинг барқарор кичик бизнес субъектларига айланиши узоқ муддатли истиқболда мамлакатнинг солиққа тортиладиган базасини кенгайтиради.

“**ҲУҚУҚИЙ МАҚОМ, ХАВФСИЗЛИК ВА СИЁСИЙ САЛМОҚ**”

Меҳнат ҳуқуқларини тенглаштириш ва аёлларнинг эркинлиги ҳамда соғлиғига таъжовуз қилганлик учун қатъий қонунчилик санкцияларини жорий этиш кейинги ўн йилликнинг энг муҳим қадами бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Марказий Осиёда оиладаги (манший) зўравонлиқни тўлиқ жиноий жавобгарликка тортган биринчи давлат бўлди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги қонуни билан қонунчиликка илк бор stalking (қасддан таъқиб қилиш), иш жойида ёки жамоат

Фахр

МОДДИЯТ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИГАН ЮТУҚЛАР

Қилаётган иш учун эътироф эшитиш кишига ўзгача ҳиссиёт беради. Мустақиллигимизнинг 35 йиллик тантанаси олдидан давлат мукофоти билан тақдирланганимни эшитганимда шулар ҳақида ўйладим. Қутилмаган янгилик ҳам қувонч, ҳам фахр, ҳам масъулият ҳиссини бағишляпти. Бундай вақтда инсон нафақат ўзи, балки бошқаларнинг ҳам фаровонлиги учун янада кўп ҳаракат қилишга куч топаркан.

Тўғрисини айтсам, хусусий бизнесдаги ўн беш йиллик фаолиятим давомида энг биринчи мақсадим моддий манфаатдорлик бўлган. Домм кўпроқ даромад топиш, шахсий фаровонлигимни оширишга интиланман ва барча ҳаракатим шунга қаратилган. Аммо фаолиятим бевосита халқ хизматига боғланиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ташкил этилган “Agro Star” корхоналаридан бирига раҳбарлик қила бошлаганимдан кейин бу ҳаётда моддий манфаатдан кўра юксакроқ тушунчалар борлигини англадим. Ўз меҳнатинг билан бирор соҳа ривожига ҳисса қўлиш, янги ва замонавий лойиҳаларни амалга ошириш, одамлар билан ишлаб, уларнинг ривожланишига кўмаклашиш, кичик хизматларнинг учун эътироф этилиш — буларнинг барчаси ҳеч қандай моддиятга алмашиб бўлмайдиган, пул билан ўлчанмайдиган ҳақиқий ютуқ экан.

Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудда “Agro Star” корхоналари фаолият юритяпти. Ҳар бири қишлоқ ҳўжалигининг муайян йўналишига ихтисослашган ва аҳоли хонадонлари билан ишлайди. Қолаверса, бу тизимда махсулот етиштиришдан тортиб, экспорт қилишгача бўлган барча жараён энг замонавий техника ҳамда технологиялар асосида амалга оширилади. Биз томорқа ер эгалари, деҳқонлар ва фермерлар билан кооперация асосидаги ҳамкорликда ишляимиз. Аҳоли томорқасида махсулотлар тизимли етиштирилиб, ягона бренд остида экспорт қилинади.

Бу тажриба амалиётда нафақат мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини



халқаро стандартлар талабларига мос ҳолда етиштириш, балки аҳолининг ўз томорқасидан самарали фойдаланиши ҳамда бир неча баробар кўпроқ даромад топишига хизмат қилляпти. Бугун юртимизда 22 миллион тоннадан кўп мева-сабзавот ва полиз махсулотлари етиштириляётган бўлса, шунинг 70 фойизи аҳоли томорқаси ва қишлоқ ҳўжаликлари ерларига тўғри келади. Лекин бу имкониятдан деярли фойдаланилмаган. “Agro Star” корхоналарининг асосий вазифаси бу кўрсаткични сифат жиҳатидан ҳам

оширишга қаратилган. Экспорт талабларига мос махсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш, жаҳон бозорида миллий брендимизни оммалаштириш, янги бозорларга кириб бориш ана шу вазифаларнинг бир қисми.

Биз, водийликлар шираси тилини ёрадиган, дунёга машҳур меваларимиз билан ҳамиша фахрланамиз. Бундай махсулотларга талаб доим бўлган, лекин фақат сархил меваларнинг ўзи сотилган. Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигидаги энг катта ислохотлардан бири махсулотларни қайта ишлаш тизими ривожлангани бўлди. Корхоналар замонавий технологияларни олиб кириб, исталган турдаги мевани қайта ишлаб, тайёр махсулотга айлантиряпти. Бу хомашени сотишдан қара бир неча баробар кўпроқ даромад келтиради.



“Quva Agro Star” МЧЖ корхонасидagi ишлар анор, гилос, шафтоли каби меваларни етиштириб, янги боғлар ташкил этишдан бошланган. Бугунга келиб йилига ўндан ортиқ турдаги 5000 тонна махсулот етиштириб, уларни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспортгача бўлган жараён ягона занжирда бирлаштирилган. Ҳар бир босқич Италия, Испания, Германия ва Хитойдан келтирилган энг замонавий технологиялар асосида бажарилади. Катта-катта ер майдонларидаги интенсив боғлар томчилатиб сугориш тизимига асосланган. Йиғиб олинган мевалар корхонанинг замонавий ишлаб чиқариш линияларида қайта ишланиб, тайёр махсулотлар ўнлаб давлатга экспорт қилинади. Нафақат кўриниши, балки таъми ҳам ўзгача бўлган махсулотларимиз жаҳон бозорида анча харидорларим.

Меванинг асосий қисми юртимиздаги аҳоли томорқасида етиштирилади. Корхона туманининг 33 та маҳалласидаги 3000 хонадон ва мингта деҳқон ҳўжалиги билан кооперация ҳамкорлигини йўлга қўйган. Бунда ҳудудларнинг ихтисослигидан келиб чиқиб, турли йўналишларда иш юритилади. Корхона хонадонларга гилос, шафтоли каби мевалар, гул навлари пайвандтагини етказиб беради. Бу пайвандтаглар корхонанинг “ин-витро” лабораториясида замонавий усул ҳамда махсус шароитда тайёрланади. Одамлар эса ундан ўз томорқасида икки йил давомида кўчат тайёрляйди. Ушбу ишхоналар келишилган нархда ўзимиз сотиб оламиз.

Тайёр қўчатлар томорқа ер эгалари, фермер ва деҳқон ҳўжаликларига махсулот етиштириш ҳамда боғлар ташкил этиш учун етказиб берилади. Бу жараён ҳам бевосита корхона иштирокида амалга оширилиб, кўчатни хариб қилган хонадонлар етиштирган махсулотларни ҳам ўзимиз сотиб оламиз ёки экспортга йўналтиришга кўмаклашамиз. Яъни сифатли, экспортбоп махсулот етиштиришнинг асосий механизмларини корхона ўз зиммасига олади. Аҳоли эса экинларни томорқасида парваришлаб, тайёр ҳолатга келтириб бериши керак. Бунинг яхши жиҳати шуки, одамларни кўчатнинг сифатсизлиги, агротехник тадбирлар билан боғлиқ тажрибага бевоситлик ва энг асосийси, тайёр махсулотни сотиш муаммоси безовта қилмайдди. Аҳоли ўз томорқасидан фойдаланади ва бунинг учун мўмай даромадга эга бўлади. Ҳудудларнинг бир махсулотга ихтисослашуви эса сотув ва экспорт имкониятларини кенгайтирмоқда.

Шу аснода корхонамиз саъй-ҳаракати билан одамларга 10 сотих томорқадан 250 миллион сўмгача даромад олиш амалиёти ўргатилиб, бу тажриба бошқа ҳудудларда ҳам тарғиб қилиняпти. Жорий йил 27-28 апрель кунлари давлатимиз раҳбари Фаргона вилоятига ташрифи давомида “Quva Agro Star” корхонасида бўлиб, биз эришяётган натижалар,



Шавкатжон АЛИҚУЛОВ,
“Quva Agro Star” МЧЖ
директори,
“Шуҳрат” медали соҳиб

йўлга қўйилган тажрибани юқори баҳолади. Бундан фахрланган.

Бугун эса икки қарра гурур ҳис қиляман. Кичик хизматларим юқори баҳолашиб, “Шуҳрат” медали билан тақдирланганим мен учун қутилмаган янгилик бўлди. Фаолиятим ордидан давлатимиз раҳбари билан кўришни, мукофотланиш, эътироф этилиш бахти насиб қилганига шукр айтаман. Бу нафақат мен, балки ота-онам ва фарзандларим учун ҳам катта фахр.

Юксак мукофот, аввало, қувонч, қолаверса, катта масъулият ҳамдир. Одам бундай эътибордан беқийс куч олар экан. Мен ҳам олдимга янги мақсад ва вазифалар қўйдим. Уларга жамоам билан биргаликда эришишга тайёремиз. Келгусида агрокорхонамиз кооперация усулидаги лойиҳаларни кўпайтириш, аҳоли томорқасида сифатли, экспортбоп махсулотлар етиштириш орқали ҳам ишлаб чиқариш қувватини ошириш, ҳам одамларни даромадли қилишда давом этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

f

yuz.uz_news

➔

yuz_official

📷

yuz.uz_news

🏠

Камолот пиллапояси

Мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалигида кечаётган кенг кўламли янгиланишлар, аввало, замонавий билим ва кўникмаларга эга, инновацион технологияларни пухта ўзлаштирган кадрларга эҳтиёжни янада оширмоқда. Шу боис, аграр таълимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш, ёшларни амалий касбий кўникмаларга эга мутахассис сифатида тайёрлаш устувор йўналишлардан.

Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 11 апрелдаги “Тошкент давлат аграр университети фаолиятини такомиллаштиришга онд кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2030 йилга қадар олий-гоҳни нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг етакчи 500 талик олий таълим муассасалари рўйхатиға кириштиш стратегик мақсад сифатида белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, университетда таълим, бошқарув ва хизматлар кўрсатиш жараёни сунъий интеллект ва рақамли технологиялар асосида ташкил этилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан 500 минг долларлик грант университетда рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш мақсадларига йўналтирилмоқда. Тўртта бакалаврият таълим дастури Германиянинг ASIIN халқаро агентлиги томонидан аккредитациядан ўтказилди.

Университет 206 та ташкилот билан ҳамкорлик қилмоқда, 27 таси билан дуал таълим шартномалари тузилган. Натижада 135 талаба таълим жараёнининг бир қисмини бевосита корхоналарда ўтказмоқда. Айни пайтда халқаро амалиёт тажрибасига эга бўлиш имконияти ҳам кенгайиб, сўнгги икки йилда 200 дан ортқ талабамиз Польша, Германия, Хитой ва Туркия каби мамлакатларнинг етакчи агросаноат корхоналарида ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётини ўтади. Йил якунига қадар хорижда ҳақ тўланадиган амалиёт ўтайдиган талабалар сонини 300 га етказиш мақсад қилинган. Хитой, Венгрия, Польша ва бошқа давлатлар билан таълим ҳамда илмий ҳамкорлик кенгайиши эса талабалар учун халқаро тажриба эшикларини очмоқда.

Узлуксиз тизим

Аграр соҳа учун рақобатбардош ва замонавий билим ҳамда амалий кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш таълимининг барча босқичини ўзаро боғлаган узлуксиз тизимда бирлаштиришни тақозо қилади. Бу жараёнда иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш, касбга онгли йўналтириш ва таълимини ишлаб чиқариш билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда жорий этилаётган “аграр таълим — ишлаб чиқариш кооперацияси” модели мактабдан бошлаб академик лицей, техникум ва олий таълимгача бўлган босқичларни ягона тизим асосида бирлаштиряпти. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 13 та умумий ўрта таълим мактабида 2026/2027 ўқув йилидан 7-11-синфларда табиий фанларни чуқурлаштириб ўқитишга мўлжалланган вариатив ўқув режалари жорий этилмоқда. Биология, кимё, экология каби фанларни аграр йўналишлар билан боғлаш орқали ўқувчиларда кишлоқ ҳўжалиги, агротехнологиялар ва агро-экологияга қизиқишни эрта шакллантириш кўзда тутилган.

Бу жараёнда “Green School” (яшил мактаб) тамойилларининг жорий этилиши ҳам муҳим. Мактабларда экологик маданиятни юксалтириш, табиий ресурслардан оқилона

Нарзулло ОБЛОМУРОВОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ва агро-экологик кўникмаларни шакллантириш бўйича университет томонидан илмий-услубий ва амалий кўмак кўрсатишмоқда. Мисол учун, “Дала кунлари” тадбирларида ўқувчи ва талабалар кишлоқ ҳўжалиги корхоналари, илмий тадқиқот ва тажриба майдонлариға бориб, замонавий агротехнологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан бевосита танишиляпти. Шу орқали мактабда олинган назарий билим реал ҳаёт ва касбий фаолият билан боғланмоқда.

Узлуксиз таълимининг кейинги босқичида ҳам янгиға ёндашувлар жорий этилмоқда. 2026/2027 ўқув йилидан Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги Қиёрай

академик лицейида “Мухандислик гуруҳи” тузилиб, икки йиллик STEM дастури асосида ўқитиш йўлга қўйилди. 2027/2028 ўқув йилидан эса лицейда халқаро A-Level дасту-

Илм инновация билан бойитилса, инновация эса Ватан тараққиётига хизмат қилса, бугун биз буюк халқимиз билан бирға бунёд этаётган Учинчи Ренессанс устунлари янада мустаҳкам бўлиши шубҳасиз. Тошкент давлат аграр университетидаги кенг кўламли янгиланишлар ана шу улўғвор мақсадға хизмат қилаётир.

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН АГРАР ТАЪЛИМ

Амалий касбий кўникмаларға эға мутахассислар тайёрланмоқда

рини жорий этиш режалаштирилган. Бу эса ёшларни халқаро таълим стандартлари асосида тайёрлаш, танқидий ва тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратғади.

Бундан ташқари, университет томонидан Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўрмон ҳўжалиги агентлиги, “Leo Garden”, “Agro Light Business”, “Multi Flora”, “PROMEAT”, “Rozmetov”, “Safia Cafe & Bakery” каби таъшилот ва корхоналар билан ҳамкорликда дуал таълим йўлга қўйилган. Айниқса, бу борада “Toshkent traktor zavodi” билан ҳамкорликдаги 4+1 модели алоҳида аҳамиятға эға. Кишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш ва агро-муҳандислик йўналишлари талабалари ҳафтанингу муайян кунида университетда назарий билим оласа, тўрт кунни корхонада ўтказиб, ўз мутахассислиги бўйича амалий таълимға орпирмоқда. Корхонада улар учун ўқув хоналари, махсус кийим-кечак ва транспорт таъминоти каби зарур шароитлар яратилган.

Шу ўринда “Янги агроном” дастури ҳақида тўхталиш жоиз. У таълимини ишлаб

сув тежовчи усуллар, замонавий техникалар, дропнлар ва рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича амалий тажрибалар ўртақтилоқда.

Тизимнинг муҳим жиҳати “университет — илмий муассаса — фермер ҳўжалиги — агрокластер” ҳамкорлиги асосида ягона таълим кластери шакллантириляётганидир. Дастур доирасида университет профессор-ўқитувчилари иштирокида Тошкент вилоятининг Бекобод, Бўқа, Пискент, Юқори Чирчик, Урта Чирчик, Оққўргон ва Чиноз туманларидаги 71 та кластер ва фермер ҳўжалигида амалий ишлар йўлга қўйилди. Пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, интенсив навларни жорий этиш, минерал озиклантириш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

“Янги агроном” дастурининг мантиқий давоми сифатида Тошкент давлат аграр университетида лойиҳа офисларининг ташкил этилиши таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни ягона тизим асосида бирлаштиришға хизмат қилмоқда. Президентимиз қарорига кўра, Тошкент вилоятидан университетға 200 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа ҳудудлардан эса 20 гектарғача ер ажратиш кўзда тутилган.

Бу ерлар оддий тажриба майдони бўлиб қолмайди. Уларда замонавий агротехнологиялар амалда синаб кўрилади ва самара берган ечимлар ишлаб чиқаришға жорий этилади. Сунъий интеллект ёрдамида экинларнинг сувға эҳтиёжини аниқлаш, дропнлар орқали экинларни мониторинг қилиш, тупроқ таркибини таҳлил этиш ва ўғитларни меъёр асосида қўллаш каби замонавий технологиялар талабалар иштирокида амалда синаб кўрилади.

Лойиҳа офисларида юқори курс талабалари учун 4 ойлик узлуксиз дуал таълимини ташкил этиш ҳам муҳим йўналишлардан. Бунда талабалар ўз мутахассислигига мос равишда екинларни кузатиш, зараркунанда ва касалликларни аниқлаш, тупроқ таҳлилини ўтказиш каби жараёнларда бевосита иштирок этади. Натижада битирувчи диплом билан бирға реал ишлаб чиқариш тажрибасига ҳам эға бўлади.

Бу жараёнда “Келажак фермерлари” ташаббуси ўзига хос ўрин тутғади. 2026/2027 ўқув йилидан 2-курс талабаларидан экспериментал жамолар тузилиб, уларға университетни битиругиға қадар ер участкалари бириктирилиши режалаштирилган. Беш талабадан иборат жамолар ўз майдонида экин турини танлашдан тортиб, етиштириш, ҳосилни йиғиш ва сотишгача бўлган жараёнини мустақил ташкил этишни ўрганади. Уларға профессор-ўқитувчилар илмий раҳбар сифатида бириктирилиб, қарорларни маълумот, таҳлил ва илмий ёндашув асосида қабул қилишға қўмаклашади.

Шу билан бирға, халқаро ҳамкорлик истиқболлари университет учун мутлақо янгиға ёндашушни шакллантирди. Хорижий тажрибани шунчаки ўзлаштириш эмас, балки уни таълим мазмунига синдириш, илмий натижаларни инновацияға, инновацияни эса ишлаб чиқариш самарасига айлантиришға устувор эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, Тошкент давлат аграр университетида халқаро таълим ҳамкорлигининг кейинги босқичи айнан кўшма таълим дастурларини кенгайтириш, уларнинг мазмунини ва қамровини бойитиш билан боғлиқ.

Бугун университет ва Польша, Туркия, Венгрия, Россия, Хитой, Грузия ОТМлари ўртасида кўшма таълим дастурлари йўлга қўйилган. Бакалаврият босқичида 2+2, 2+1, 1+3, магистратурада эса 1+1 моделлари асосида амалға оширилмоқда. Мазкур моделлар талабаларға таълимининг бир қисмини Тошкент давлат аграр университетида, иккинчи қисмини эса хорижий ҳамкор университетларда давом эттириш ҳамда икки университет таълимини олиш имкониятини бермоқда.

Соҳа тараққиётидаги муҳим омил

Университетдаги илмий тадқиқотлар аграр соҳанингу долзарб муаммоларига амалий ечим топишға қаратилган. Хусусан, сув танқислиги, тупроқ шўрланиши, иқлим ўзгарishi, экинлар ҳосилдорлигини ошириш каби масалалар бўйича тадқиқотлар халқаро ҳамкорлик асосида амалға оширилиб,

КЎЗГҲ

5

2026 йил 26 август, 174-сон

уларнинг натижалари амалиётға таъбиқ этилмоқда.

Сўнгги икки йилда аграр университетда халқаро лойиҳалар сони 2 қарра ошиб, жорий йилнинг ўзида 10 та лойиҳа доирасида агрономия, ўсимликшунослик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, доривор ўсимликлар етиштириш, селекция, сув ресурсларини бошқариш каби муҳим йўналишларда тадқиқотлар ўтказилляпти.

Жумладан, жаҳоннинг етакчи минталик рейтингидан ўрин олган Northwest A&F University (Хитой) билан ҳамкорликда 2025-2027 йилларға мўлжалланган Фаргона, Жиззах ва Хоразм вилоятларининг шўрланган тупроқларида кузги бугдой ҳамда такоррий экин — ширин маккажўҳорини ёмғирлатиб ва томчиллатиб сугориш технологиялари асосида етиштириш бўйича халқаро илмий-амалий лойиҳа бажарилмоқда. Унинг доирасида илгор агротехнологиялар қўлланиши тўғрйли тупроқнинг ҳайдалма қатлами тўлиқ намлиниб, экинлар уруғининг 100 фоиз униб чиқishi ҳамда сув сарфининг 35-40 фоиз тежаллишиға эришилмоқда.

Шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) грант маблағлари ҳисобидан Токио кишлоқ ҳўжалиги ва технологиялари университети ҳамда Токио электротехника университети билан ҳамкорликда голубика экинини етиштириш, энг замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича халқаро илмий-амалий лойиҳа бошланди. Унинг доирасида экинни махсус тувақларда етиштириш тизими синовдан ўтказилди. Ушбу технология ўсимликларни шўрланган тупроқнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Шунингдек, тежамкор томчиллатиб сугориш технологияларидан фойдаланиш орқали сув сарфини минималлаштирган ҳолда юқори ҳосилдорликка эришилди. Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитида голубика етиштириш самарадорлигини ошириш имконияти мавжудлиги исботланди.

Шу билан бирға, университет олимларини кремний асосидаги минерал ўғитлардан фойдаланиш бўйича тавсиялари Тошкент, Сидрабё, Жиззах, Бухоро ва Навоий каби ҳудудларда гўзанингу иссиққа чидамлилигини ошириш ва ҳосил элементларини сақлаб қолишда қўлланылади. Мазкур тадқиқотлар асосида ёзилган илмий мақола AQШнинг нуфузли Q1 рейтингига эға “Journal of Cotton Research” халқаро илмий журналда нашр қилиниб, эътирофға сазовор бўлди. Мазкур илмий ишланма натижаларидан табиий-иқлим шароити бизникига яқин бўлган Аризона, Техас ва бошқа ҳудудларда ҳам фермерлар гўзани иссиқ шароитда етиштириш бўйича амалий тавсия сифатида фойдаланмоқда.

Университет профессор-ўқитувчиларининг халқаро ва маҳаллий илмий журналлардаги фаолияти йилдан йилға ортиб бормоқда. Жумладан, 2026 йилнинг биринчи ярим йилигига якунлари бўйича “Scopus” ва “Web of Science” халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида индексланувчи нуфузли журналларда университет профессор-ўқитувчиларининг 110 та илмий мақола-си чоп этилган.

ОТМда аграр соҳа профессор-ўқитувчилари ва ёш олимларининг илмий натижаларини халқаро майдонға олиб чиқиш, нуфузли халқаро илмий базаларда индексацияланадиган мақолалар салмоғини ошириш мақсадида “Central Asian Journal of Agriculture and Forestry” электрон илмий журнали ташкил этилгани эса долзарб мавзуларда илмий тадқиқот натижаларини кенг ёритишға хизмат қилади.

Демак, илм инновация билан бойитилса, инновация эса Ватан тараққиётига хизмат қилса, бугун биз буюк халқимиз билан бирға бунёд этаётган Учинчи Ренессанс устунлари янада мустаҳкам бўлиши шубҳасиз. Тошкент давлат аграр университетидаги кенг кўламли янгиланишлар ана шу улўғвор мақсадға хизмат қилаётир.

Саломатлик

QABUL = BO'LIMI

Инсон саломатлиги — юрт фаровонлиги ва тараққиётининг энг муҳим омили. Шу боис, мамлакатимизда аҳолиға сифатли табиий хизмат кўрсатиш, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, соғлигини тиклаш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Реабилитация шунчаки даволаниш эмас, балки инсоннинг йўқотган имкониятларини қайта тиклаш, мустақил ҳаётға қайтиши ва эртанги кунға ишончини қайтариш ҳам демақдир.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Навоий вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида айнан шу эзгу мақсад йўлида комплекс табиий хизматлар кўрсатишмоқда. Бу ерда қабулдан бошлаб аниқ таъшиқ қўйиш, лаборатория ва инструментал текширувлар, физиотерапия, эрготерапия, жарроҳлик, протезлаш ҳамда реабилитациянинг барча босқичи ягона тизим асосида ташкил этилган. Муҳими, ҳар бир муурожаат эгасининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда индивидуал реабилитация дастури ишлаб чиқилади. Бу эса даволаш самарадорлигини ошириш билан бирға инсоннинг фаол ҳаётға қайтиши учун мустаҳкам замин яратғади.

Реабилитация, энг аввало, тўғри ташхисдан бошланади. Марказға кириб келган

ҳар бир фуқаро қабул бўлимида мутахассислар томонидан атрофлича кўриқдан ўтказилади. Уларнинг табиий ҳужжатлари ўрганилиб, ҳолати баҳоланади ва айнан ўзига мос реабилитация дастури шакллантирилади.

— Реабилитация марказида қабул бўлимининг асосий вазифаси ногиронлиги бўлган шахсларни электрон навбат асосида марказға қақириш ва кўриқдан ўтказишдир, — дейди Навоий вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази қабул бўлими шифокори Роҳи́ла Холиқова. — Қабул қилинганидан кейин беморлар текширувдан ўтказилиб, керакли бўлимларға йўналтирилади. Электрон йўлланма билан келгандан кейин бемор қабул бўлимида керакли текширувлардан ўтказилади. Масалан, электрокардиография

РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ: УМИД БАХШ ЭТАЁТГАН МАСКАН

текширувида беморнинг юрак-қон томир касалликларини, юрак аритмияси бор-йўқлиги аниқланади. Агар юрак аритмияси ва қоронғар қон айланishi бузилиши белгилари аниқланса, даволаш мақсадида тиббиёт бирлашмасига қайтариб юборилади, марказға қабул қилинмайди. Бу ҳам асосий тартибларимиздан.

Албатта, тўғри қўйилган таъшиқ муваффақиятли даволашининг энг муҳим шартидир. Бунинг учун марказда замонавий лаборатория фаолият юритмоқда. Бу ерда тахлиллар юқори аниқликдаги жиҳозлар ёрдамида қисқа муддатда ўтказилиб, натижалар шифокорларға даволаш жараёнини пухта режалаштириш имконини беради. Марказдаги ультратовуш диагностикаси ҳам

кўплаб касалликларни эрта аниқлаш, ички аъзолар фаолиятини баҳолаш ҳамда реабилитация жараёнини тўғри режалаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Тезкор, хавфсиз ва юқори аниқликдаги текширувлар орқали шифокорлар беморнинг ҳолати ҳақида тўлиқ маълумотға эға бўлади.

— Функционал диагностика бўлими жуда юқори технологик жиҳоз билан таъминланган, — дейди шифокор Диляфўз Эргашева. — Бу орқали эхокардиография текширувини ўтказамиз. Биринчн навбатда, юракнинг ички тузилмалари, яъни юрак ичидаги қон клапанлари ҳолати, юракнинг ички эндокард, миокард қаватлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш имконини беради. Бу жуда муҳим. Сабаби ҳозир сурункали

ревматик касаллиги мавжуд. Бу бўғимларни емириб, юрак клапанларига зарар етказғади. Сурункали ревматик касаллигида клапан нуқсонларини аниқлашда ушбу аппаратнинг функционалливлиги жуда юқори. Гипертония хасталиги ҳам аҳоли орасида кўпайган. Уни даволаш ва дори-дармонларни танлашда ҳам ушбу жиҳоз бизға катта имкониятлар тақдим этмоқда. Ташхис учун ҳам, даволаш учун ҳам бу жуда самарали.

Ташхис қўйилғач, бемор учун энг муҳим босқич — тикланиш жараёни бошланади. Бу йўлда физиотерапия нафақат оргиларни енгиллятади, балки инсоннинг ҳаракатини босқичма-босқич тиклашға хизмат қилади. Марказда қўлланаётган замонавий физиотерапия муолажалари ҳар бир беморнинг ташхиси, ёши ва ҳолатига кўра белгиланади. Асосан, физиотерапевтик, массаж муолажалари, жисмоний тарбия машқлари бажарилади.

Бу ерда 22 турдаги замонавий физиотерапевтик жиҳозлар мавжуд. Бундан ташқари, жисмоний тарбия бўлимида алоҳида гуруҳли, тренажёрлар билан шугуллантириш ҳамда юриш, ўтириш, овқатланиш ҳаракатларини ўргатиш йўлга қўйилган. Бу фаол ҳаракатни қайта тиклашға ёрдам беради.

Реабилитация фақат жисмоний тикланиш билан чекланмайди. Инсоннинг кундалик турмушға мослашиши, оддий ҳаракатларни мустақил бажара олиши ҳам муҳим. Шу мақсадда марказда эрготерапия машғуллотлари бажарилади. Яъни беморлар қўл ҳаракатларини қайта тиклаш, ўзига ўзи хизмат қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш ва имкониятидан келиб чиқиб меҳнат фаолиятиға қайтиш учун махсус машғуллотларда иштирок этади.

Айрим беморлар учун янги ҳаёт сари илк қадам айнан жарроҳлик амалиётидан

бошланади. Замонавий табиий технологиялар, малакали мутахассислар ва аниқ таъшиқ уйғунлиги оғир жароҳатлар ёки касалликларни енгиб ўтишда катта аҳамият касб этмоқда. Марказдаги ҳар бир жарроҳлик амалиётидан асосий мақсад инсоннинг ҳаракатчанлигини тиклаш ва фаол ҳаётға қайтаришдир.

— Марказимиздаги жарроҳлик бўлими 30 ўринға мослашган, — дейди жарроҳ Алишер Раҳмонов. — Бу ерда турли суяк касалликлари, тизза, чанок-сон бўғимлигида емирилиш, коксартроз, гонартроз касалликлари, бундан ташқари, протезға муҳтож беморларни доволаймиз. Жарроҳлик амалиётидан кейин тикланиш қанча эрта бошланса, бемор шунча тез соғайди.

Реабилитация натижаси нафақат табиий кўрсаткичларда, балки инсоннинг кайфияти, ҳаракатчанлиги ва келажакка ишончида ҳам намоён бўлади. Мутахассисларнинг бир мақсад йўлидаги ҳамжиҳат меҳнати беморларнинг ҳаётида ана шундай ижобий ўзгаришларни юзаға келтирмоқда.

— Ушбу марказда 2017 йилдан буюн даволаниб келаман. Йилдан йилға шароити яхшиланаётганиға гувоҳ бўляман. Бу эса беморларнинг фаол ҳаётға қайтишида муҳим ўрин тутғади. Бунинг ўзи ҳолатимда ҳам ҳис қилиб турибман. Асаб тизимига онд касаллигим бор. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Марказда физиотерапиялар, спорт машғуллотлари ва бошқа муолажалар юқори даражада, — дейди шу ерда даволанаётган Хусан Фармонов.

Инсонға умид бериш — энг олий фазилат. Навоий вилоятидаги ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида ҳар бир бемор ана шу умид билан қабул қилиниб, малакали мутахассислар, замонавий технологиялар ва меҳр билан яна фаол ҳаётға қайтиш йўлида қўллаб-қувватланмоқда. Муҳими, бу ерда бемор нафақат даволанади, балки мустақил ҳаракатланиши, меҳнат қилиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча имкониятға эға бўлади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон аталмиш жаннатмонанд, бетимсол диёримизнинг ҳар бир гўшаси, ҳар бир ҳудудининг ўз номи, суратию гўзал сийрати бор. Жой номларини тилга олишингиз билан қалбингиз ойнасида ўша маскан бутун чиройи, бўй-басти билан юз очади. Айни пайтда хотиралар зилол булоқдек қайнаб чиқади: дилингиздан муқим ўрин олган яхши одамлар, уларнинг самимияти меҳрингизни товлантириб юборади. Шу бир парча замин тимсолида сиз ўз халқингиз, ўз Ватанингизни янада кўп яхши қўриб кетасиз. Улуғларимиз бежиз “Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига”, демайди. Бу аслида, одамзод билан умрбод яшайдиган эътирофдир.



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Тошкент вилоятининг бир фарзанди, ижодкори, мана бутун оқсоқоллар сафидаги бир вакили сифатида шукр қиламанки, вилоятимизнинг қарийб ҳар бир қаричи, қилшоғу қўргонларида, овулларида бўлдим. Қимлар борки, дунёни айланиб келади, лекин ўзи тугилиб ўсган ҳудуд — тумани ёки вилояти у ёқда турсин, кўзини қилшоққа борманган, ёнидаги боғу роғлар, тоғу тошлардан беҳабар. Камина ана шундай қимсалар қаторида эмаслигимдан фахр этаман. Ўзбекистонимизнинг салмоқли ҳудудларидан бири бўлган жонажон Тошкент воҳасидаги 22 туман ва шаҳарни баҳоли қудрат кездим, айландим, бутун улар ҳақида яхши биламан, дейишга ҳаққим бор.

Очиги, она Ватанимиз, буюк халқимиз ҳурриятининг кутлуг 35 йиллиги кенг нишонланаётган шу улуг кунларда Бекобод ва бекободликлар ҳақида икки огиз сўз айтгим келди.

Қолаверса, бу йил вилоятимизнинг қарийб барча тумани қатори Бекобод тумани ташкил топганига ҳам 100 йил тўлибди. Мард ва танти бекободликлар учун бу —



Ўзбекистон давлат хореография академиясида фаолият юритаётганимга 40 йилга яқин вақт бўлди. Ўтган йилларда кўплаб шогирдлар етиштирдим. Улар ҳозир мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, қолаверса, хорижда рақс йўналишида ёш авлодга таълим бериб келяпти.

Ҳаётини санъатнинг шу тури билан чамбарчас боғлаган, давлат ансамблида, театр, таълим муассасаларида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг кўпи Ўзбекистон давлат хореография академиясида ўқиган. Бугун уларнинг баъзилари мен билан елкама-елка шу ерда педагогик фаолиятини юритяпти. Кечаги ўқувчиларим — бугунги ҳамкасбларим. Бундан гуруланаман.

Кунни кеча давлатимиз раҳбарининг тегишли фармониغا биноан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан тақдирландим. Ушбу мукофот нафақат менга, балки хореография академиясига, устозларимизга юксак ишонч намунасидир. Қолаверса, жонқуяр жомоанимизнинг кўп йиллик меҳнати, талабаларимизнинг нуфузли халқро танловларда эришяётган ютуқлари, академияда яратилаётган янги авлод дарсликлари, илмий

Бугун Бекобод тумани марказига кириб борган инсон ўз кўзларига ишонмайди. “Наҳотки!” деб юборади беихтиёр! Кўкси гурурдан, ифтихордан ҳам қувончга, ҳам нурга тўлади. “Бўларкан-ку!” деган хитоб Бекобод шамоли етагида бутун оламга таралади.



БЕНАЗИР БУНЁДКОРЛИКЛАР БЕКОБОДИ

қўшалоқ байрам. Байрамга эса яхши тилаклар, нурли сўзлар, дуолар ярашади. Зотан, ижодкорнинг ширин сўзи, қалбидан чиққан покиза тилаклари тўйга тўёнадир.

Ўзимга келсак, салкам олтимиш йилдан буён, яъни мактабнинг юқори синфида ўқиб юрган кезларимдан бери бекободликларнинг метин иродаси, заҳматқашлиги, ҳалол меҳнати олдида лол қолиб келаман. Олдилона эътироф этсам, буни мен талай йиллар ўз кўзим билан кўрдим, кузатдим, ичида бўлдим.

Келинг, фикримни очикроқ, соддароқ қилиб тushунтирай. Мактабни битириб чоғимизда ойлаб Бекобод пахтазорларида “жавлон” урганмиз. Энди ўзингиз ўйланг, Паркент қаёқдаю Бекобод қаёқда! Ораси юз ўттиз километрдан кўп бўлса, ажабмас. Бу ўз йўлига. Аммо биргина Бекобод шамоли нима эканини ўша йиллари илк бор қўриб, унинг шиддати ва шафқатсизлиги оқибатида рўй берган ҳолатларни кузатиб, маҳаллий аҳолининг аҳволига қанча ачинган бўлсам, жасоратию метин иродаси, ўзини тез тиклаб, ҳаётга муҳаббатини асло сўндирмаслигига қойил қолганман. Пахтазорда ҳам бир қўл билан бошқиймни ушлаб, иккинчисидан пахта терадиган кунлар бўларди. Аслида, бундай ноқулай шароитда экин экиш ва ундан ҳосил қутишнинг ўзи машаққат эди...

Олий ўқув юртида кечки бўлимда ўқиб, кундузи наширётда ишладим. Кейин республика радиосида фаолият юритдим. Табиийки, ўша йиллари терим мавсуми бошланиши билан деярли ҳамманинг ҳаёти, бебаҳо умри пахтазорда кечарди, пахтазорга кўчарди. Айтмоқчиманки, ўсмирлигим ва ёшлик йилларимда Бекободга кўп бордим, яшадим. Хар сафар пахта териш учун бордим!

Ўша йиллари Ўзбекистон халқ шоирлари Омон Матжон, Усмон Азим, Хуриш Даврон, яна ўнлаб ижодкорлар билан Бекободга бориб, беадоқ эгатларда кўп эгилганмиз. “Паркент тонги” газетасига бош муҳаррир бўлган кезларим яна терим мавсумида йўлим Бекободга тушди. Сўнг Оққўрғон, Кўйи Чирчиқ туманларида ҳам “оқ олтин”ни дафтар, кўсак тигини қалам қилиб, кўп қилганмиз. Шу кезлари каминига Бекобод том маънода машаққатлар маскани, азоблар манзили сифатида кўринарди. Бекобод деса, юрагим безиллар, қалбимнинг бир чети увишар, кайфиятим тушиб кетарди.

Ўшанда бекободлик бўлиб яшаш учун чинакам мардлик кераклигини англаганман. Ўша даврининг долғали ва ноинсоний “пахта сиёсати” куллиқнинг айни шакли эканини, аслида “улуг оға”ларнинг бошқа мамлакатларга қандай паст назар билан қарашини ич-ичимиздан ҳис қилсак-да, оёқлар остида эзилган гўза кўсаги сингари юрагимизни — бутун ҳаётимизни уларнинг нопок оёқлари тагига тўшашга гўё маҳкум этилгандик. Номин “Бекобод” бўлса ҳам халқи на бекобод эди. Аксинча “бек”ларнинг манфур



қўлнинг “обод” этишга мустаҳқик бўлган бебаҳт заминнинг ўзгинаси эди!

Бу дарду алам, сўнгсиз изтироблар бир менинг эмас, бутун бир мамлакат, бутун миллатнинг ҳасратлари, ичини куйдирган оху фиғонлари эди аслида...

Орадан кўп йиллар ўтди, қанча лойқа сувлар оқиб кетди. Бугун булоқлар тиник, чашмалар соф, кўнгилларида ҳурлик сафоси, истиқлол шаббодаси. Энди Бекободга борсам, гўзалликка, буюк бунёдкорликларга, энг асосийси, ҳаётидан рози одамлар чехрасига рўбарў келаман. Ўзим ҳам қушдек енгил учиб бораман. У ердаги ҳаётга ташна, ватанпарвар юртдошларимиздан қувват, куч олиб, янада енгиллашиб қайтаман.

Буларнинг бари — истиқлолнинг, мустақилликнинг шарофати, шаҳодати!

Шукр, яхши кунлар келди. Бу аччиқ ҳақиқатнинг юзини тўсиб турган, оқ деб ёзиб қўйилган, асли кўмирдек қоп-қора азоб пардаси юлиб ташланди. Афсуски, биз ўшандан кейин ҳам чорак аср давомида кўзимизни очмадик — дераздан шовуллаб кираётган ҳурлик ёғдусидан тўла бахраманд бўлладик — 25 йил яна пахта ташвиши, оқ пахтанинг қора исканжасидан қутулолмадик.

Шукрки, Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз раҳбари бўлгач, илк ислохотлардан бири айнан пахта яккаҳокимлигиндан элли озод қилиш бўлди. Кейинги ўн йил биз учун эртангамо ўтди, ўтмоқда! Аслида, бу эртак эмас, биз кутган кунлар, биз лойиқ бўлган дамлар эди. Устоз Абдулла Орипов

таъбири билан айтганда, елкамизга офтобнинг теккани рост бўлди. Бугун Ўзбекистон халқи бошида, мусоффо осмонда ана шу офтоб бир юз ўттиз элгу миллат бошига тенг нур сочмоқда. Табиийки, бу зиё бекободликлар қалбини ҳам, чехрасини ҳам эъзозга, эҳтиромга ўрамоқда.

Албатта, бу мўъжаз битигимда Бекобод туманидаги улуг бунёдкорликларнинг бутун ҳайбату салобатини кўрсатолмайман, таърифу тавсиф этолмайман. Илло, бунга қанча тили тошни ёрар ижодкорлар, қанча улуг адиблар жам этилмоғи жоиз. Аммо шу йил 13 июль куни Президентимиз билан Бекобод шаҳрига замонавий поездда, битта вагонда борганимиз, Бекобод тумани ва шаҳри аҳолиси учун истиқболда яратилажак эзгу мақсадлардан бохабар бўлганимизни ифтихор билан айтман.

Бугун Бекобод тумани марказига кириб борган инсон ўз кўзларига ишонмайди. “Наҳотки!” деб юборади беихтиёр! Кўкси гурурдан, ифтихордан ҳам қувончга, ҳам нурга тўлади. “Бўларкан-ку!” деган хитоб Бекобод шамоли етагида бутун оламга таралади.

Бу улугворликлар ўз-ўзидан бўлмаётти. Аввало, Яраттанинг бекободликларга меҳру назари, қолаверса, халқнинг уюшқоқлиги, бирдамлиги самарасидир. Бироқ аён ҳақиқат борки, уни айтмасак, на инсофдан, на адолатдан бўлади. Бу ишлар Президентимизнинг қатор-қатор қарорлари, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам маданий қўллаб-қувватлаши,

тегишли кўрсатмалари билан амалга оширилаётгани бор гап. Буларнинг барчаси — давлатимиз раҳбарининг Бекобод туманининг 100 йиллигига тўғнаси, совғаси десаек, яна ҳам ҳақ сўзи айтган бўламиз. Зеро, бутун диёримиз аҳолиси қатори бекободликлар ҳам бугун инсон қадрига эътиборнинг том маънодаги ижросини ўз жисму жонида ҳис қилляпти. Шу боис, тилларда шукрона, ташаккур гуллаяпти.

Бот-бот ёдимизга тушиб, таваккурни тиниклаштирадиган ибора — “Кўш уясида кўрганини қилади”, деган халқ нақли қанчалар топиб айтилган-а! Қолаверса, миллатпарвар, халқпарвар доно раҳбарнинг ҳаёт мактабидан, иш услубидан бахраманд бўлган, устоз кўрган шогирдлар ҳам хайрли ишларни муносиб давом эттиради.

Бугун республикаимизнинг қайси вилояти, шаҳри ва туманида халқимиз бахтли, содағили, турмуши фаровон бўлса, билингки, ўша жойда эл-улуснинг давлатдан ризолигини ўйлаб иш юритаётган, демакки, Президентимизнинг чинакам шогирдлари хизмат қилляпти! Демакки, шу ҳудудлардаги раҳбарлар, ҳокимлар ўз ўрнини топган! Уларнинг халққа, Ватанга муҳаббати чексиз, садоқати собит.

Бу борада кейинги йилларда Тошкент вилоятида вилоят ҳокими жонбозлигидаги бунёдкорликлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Айни пайтда Бекобод тумани ҳокимининг жонқуярлик билан қилаётган хайрли ишлари бекободликларнинг ҳаётга

муносабатини ўзгартиряпти! Халқнинг ичига кирган, ҳамиша эл билан бамаслаҳат иш юритган раҳбар ўзини ҳукмдор эмас, балки Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз халқининг хизматкори деб билади. Аслида, муваффақиятларнинг олтин қалити ҳам шундадир!

Кейинги бир ярим йилда бекободликлар неча-неча даврлардан бери орзу қилиб келаятган бунёдкорликлар амалга ошди. Нафақат туман маркази — чекка-чекка қишлоқларда ҳам оддий меҳнатқашлар учун яратилган қулайликлар, тикланган нишоотлар, кўприклар, маънавий-маърифий соҳадаги ўзгаришлар кишини ҳайратга солади. Барчаси халқ ризолигини ўйлаб, ҳудудлар кўрку жозибаси, саришталгию озодалиги, бир гап билан айтганда, инсон қадри учун қилинаётган эзгу ишлардир.

Шу ўринда юрагимнинг туб-тубида келаятган мафтунлик ва хайрихоҳлик ҳисларини мухтасар қилиб, фикримга хулоса ясам. Бугун мамлакатимизнинг барча аҳолиси қаби қадрдон бекободликлар ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигини ўзгача шукух, ўзгача бахтиёрлик ва шукрона билан қутиб оляпти. Бинобарин, Бекобод жуда катта, ғоят улугвор, ниҳоятда оламшумул ишлар қилинган, ҳокимлар ўз ўрнини топади, ғоят улугвор, ниҳоятда оламшумул ишлар қилинган барча хайрли саъй-ҳаракатларига Ўзи ривож этю этсин. Хурриятимизга, бугунги ободлигунг тинчлигимизга кўз теғмасин! Янги Ўзбекистонимиз абадий бўлсин!

РАҚС ОРҚАЛИ қалбларга миллий рух, она ватанга муҳаббатни сингдиришга интилдим

миллий рух, гўзаллик ва она ватанга муҳаббатни сингдиришга интилдим. Шу орқали юртимизда келаятган ўзгаришлар, янгиланишларга ҳиссам қўшилаётганидан беҳад мамнунман.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан санъат, маданиятга берилаётган эътибор шу соҳанинг вакили сифатида мени жуда қувонтиради. Айниқса, чет эл сафарлари, халқаро танлов, анжуман, фестивалларга борган чоғимда Ўзбекистон маданияти ва санъати ҳақида чексиз фахр билан гапириб бераман. Хорижлик ҳамкасбларим ҳам Ватанимизда бўлаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бормоқда. Юртдан узоқда бўлганингизда она юртингизда рўй бераётган янгиланишлар эътирофи чиндан қалбингизни юксалтирар экан.

Мамлакатимизда театр, кино, опера ва балет, рақс санъати, кўйингки, барча йўналиш эътиборда. Санъат ва маданиятни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яратилмоқда. Президентимиз иштирокида шу йил 1 июнь куни маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан ўтказилган учрашув рақс санъати ривожига кескин

бурилиш нуқтасини бошлаб берди. Таъкидланганидек, ашула ва рақс ансамбллари қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 сентябрдан бошлаб барча ҳодимларнинг иш ҳақи



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846. 29305 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоסי келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов Мусахҳис: Маллоҳат Минғобоева Дизайнер: Зафар Рўзиев
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Қабулхона: (71) 233-56-33 Эълоилар бўлими: (71) 233-70-98	E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05	Девонхона ва ишлорч телефони: (71) 233-56-60	Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-уй
				ЎЗА якуни — 23:45 Топширилди — 00:05